

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.04. 2022.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТУРАЕВ ХИКМАТУЛЛА НЕГМАТОВИЧ**

**КЛИНИК ВА ФАРМАКОЛОГИК ТАҲЛИЛ НАТИЖАЛАРИ  
АСОСИДА АРИТМИЯЛАР ФАРМАКОТЕРАПИЯСИНИ  
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**14.00.05 - Ички касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ ( PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро -2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Тураев Хикматулла Негматович**

Клиник ва фармакологик таҳлил натижалари асосида аритмиялар  
фармакотерапиясини оптималлаштириш..... **3**

**Тураев Хикматулла Негматович**

Оптимизация фармакотерапии нарушений ритма сердца на основании  
результатов клинико-фармакологического анализа..... **24**

**Turaev Hikmatulla Negmatovich**

Optimization of pharmacotherapy for cardiac rhythm disorders based on  
the results of clinical and pharmacological analysis..... **45**

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... **50**

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.04. 2022.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТУРАЕВ ХИКМАТУЛЛА НЕГМАТОВИЧ**

**КЛИНИК ВА ФАРМАКОЛОГИК ТАҲЛИЛ НАТИЖАЛАРИ  
АСОСИДА АРИТМИЯЛАР ФАРМАКОТЕРАПИЯСИНИ  
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**14.00.05 - Ички касалликлар**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ ( PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро -2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.4.PhD/Tib.3129 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz)) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Зиядуллаев Шухрат Худойбердиевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Нурбаев Формон Эргашевич**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Байдурин Серик Амангельдинович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**К.И.Ахунбаев номидаги Қирғизистон**  
**давлат тиббиёт академияси**

Диссертация химояси Бухоро давлат тиббиёт институти хузуридаги DSc.04/.30.04.2022.Tib.93.02 рақамли Илмий кенгашнинг 30 декабр 2025 йил соат 13<sup>30</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри Ғиждувон кўчаси 23 уй Тел./факс: (+99865) 223-00-50; e-mail: [buhme@mail.ru](mailto:buhme@mail.ru)).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (114 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 200118, Бухоро шаҳри Ғиждувон кўчаси 23 уй Тел./факс: (+99865) 223-00-50.

Диссертация автореферати 2025 йил 23 декабр куни тарқатилди.

(2024 йил 23 декабрдаги 40-рақамли реестр баённомаси).

**Д.Т. Ходжиева**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
раиси, тиббиёт фанлари доктори,  
профессор

**Н.Ш. Ахмедова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори,  
доцент

**Г.А. Ихтиярова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
қошидаги Илмий семинар раиси, тиббиёт  
фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, юрак ишемик касаллиги ва унинг асорати сифатида юзага келувчи ишемик генезли бўлмачалар фибрилляцияси аҳоли ўртасида жуда кенг тарқалган касалликлардан бири ҳисобланади. Юрак ишемик касаллиги билан боғлиқ бўлган бўлмачалар фибрилляцияси тахминан 20-25% ҳолларда учрайди ва тромбоемболик асоратларнинг юқори хавфи билан ажралиб туради. Бу хасталик кўпинча аҳолининг меҳнатга лаёқатли қатламлари орасида учраб, инсульт, миокард инфаркти ва ногиронликка олиб келиши мумкин. Эътиборлиси, ишемик генезли бўлмачалар фибрилляцияси билан оғриган беморларда инсульт хавфи 5-6 марта ошади, бу эса ишемик аритмияларни самарали диагностика ва даволаш чора-тадбирларини ривожлантириш зарурлигини англатади. Шунингдек, бундай беморларда тромбоемболик асоратлар хавфи юқори бўлиб, уларнинг олдини олиш учун самарали антикоагулянт терапия тактикасини ишлаб чиқиш талаб этилади.

Жаҳонда, ишемик генезли бўлмачалар фибрилляцияси билан оғриган беморларда антитромботик терапия даражаси клиник натижалар самарадорлиги ва асоратлар хавфи билан ўзаро боғлиқ. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ишемик генезли бўлмачалар фибрилляцияси кузатилган беморларда инсульт хавфи 5,1 марта ва тромбоемболик асоратлар хавфи 6.3 мартага ошганлиги аниқланган, бу эса даволаш стратегиясининг катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Бугунги кунда янги перорал антикоагулянтлар тромбоемболик асоратларнинг олдини олишда самарали восита сифатида тавсия этилмоқда. Шу билан бирга, ишемик генезли бўлмачалар фибрилляцияси сўнги йилларда ўсиш тенденциясини кўрсатмоқда, ва ҳозирги кунда дунё аҳолисининг 0,5-1% ни ташкил этиб, ёши катталар орасида 10% га етиши мумкин. Олиб борилган тадқиқотларнинг натижаларига кўра, ушбу патологияда клиник тавсиялар ва амалий фармакотерапия ўртасидаги сезиларли фарқлар кўпгина беморларда даволаш самарадорлигини пасайишига сабаб бўлганлигидан далолат бермоқда<sup>1</sup>.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли чоралар орасида, турли соматик касалликларни ташхислаш, олдини олиш ва даволаш бўйича бир қатор вазифалар қўйилган. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етита устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...» каби вазифалар белгиланган. Бундан келиб чиққан ҳолда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янги босқичга кўтариш, соғлом муҳит яратиш, айниқса, аритмиялар фармакотерапиясини оптималлаштириш, касалланиш даражасини камайтириш алоҳида аҳамият касб қилмоқда.

<sup>1</sup> Fanaroff, A. C., et al. (2021). Atrial fibrillation and coronary artery disease: a long-term perspective on the need for combined antithrombotic therapy. *Circulation: Cardiovascular Interventions*, 14(12), e011232.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»<sup>2</sup> ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6610-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохатлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги фармонлари, 2017-йил 20-июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикасида аҳолига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишин VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммони ўрганилганлиги даражаси.** Фармакотерапиянинг самарадорлиги ва хавфсизлигини реал клиник амалиётда ўрганишда фармакоэпидемиологик тадқиқотлар ўтказиш ва юрак ритми бузилишлари бўлган беморлар регистрларини яратиш муҳим аҳамиятга эга. Дунё бўйлаб рандомизацияланган клиник тадқиқотлар исботланган тиббиётнинг "олтин стандарти" сифатида кенг қабул қилинган. Ушбу тадқиқотлар дори воситаларининг самарадорлиги ва хавфсизлигини баҳолашда асосий манба бўлиб хизмат қилади (Kannel W. Lip G., 2018). Аммо реал клиник амалиётда беморлар регистрлари кенг қамровли ва узоқ муддатли маълумотларни тақдим этиш орқали фармакотерапия ҳақида янада тўлиқ тасаввур ҳосил қилади.

Дунё тажрибасида регистрлар узоқ муддатли кузатув ва кенг қамровли маълумот йиғишнинг самарали усули сифатида ўзини намоён қилган (Chugh S., 2016; Hosseini S., 2018). Масалан, АҚШ ва Европа мамлакатларида регистрлар турли даволаш протоколларининг самарадорлигини солиштириш, дори воситаларини қўллашдаги камчиликларни аниқлаш ҳамда уларни тузатишда муҳим аҳамият касб этмоқда (Zulkifly H., 2018). Ишемик генезли БФ бўлган беморларда антитромботик терапия самарадорлигини ўрганиш бир нечта ҳорижий тадқиқотларда амалга оширилган (Golwala H.V., 2018).

Ўзбекистонда фармакоэпидемиологик тадқиқотлар ва бевосита орал антикоагулянт (БОАК) каби дори воситаларини амбулатор босқичда қўллашнинг самарадорлигини ўрганиш бўйича тадқиқотлар чекланган бўлиб, уларни янада кенгайтириш зарурияти мавжуд. Дунёда перорал антикоагулянтларнинг фармакокинетикаси асосан соғлом ихтиёрийлар ўртасида ўрганилган. Бироқ, юрак ритми бузилишлари бўлган беморлар

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги фармони.

орасидаги тадқиқотлар сони чекланган. Клиник амалиётга БОАК жорий қилиниши билан Ўзбекистонда илк бор аниқланган аритмияларга чалинган беморларда замонавий тавсияларга мувофиқ равишда анти тромботик терапия самарадорлиги ошгани кузатилган бўлса-да, амбулатор босқичда эса терапияга содиқлик даражаси пастлигича қолмоқда.

Бу жиҳатларни чуқурроқ ўрганиш ва маҳаллий шароитлардаги муаммоларни ҳал қилиш учун Ўзбекистонда кенг қамровли фармакоэпидемиологик тадқиқотлар ўтказиш, халқаро тажрибалар билан солиштирув тадқиқотларини амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади. Бундай тадқиқотлар нафақат бевосита орал антикоагулянт (БОАК), балки бошқа турдаги фармакотерапия воситаларининг самарадорлиги ва хавфсизлигини ҳам ўрганиш имконини беради.

**Тадқиқотнинг мақсади:** бўлмачалар фибрилляциясида клиник-фармакологик таҳлил натижалари асосида анти тромботик фармакотерапияни оптималлаштириш орқали тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини оширишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

халқаро беморлар регистрлари маълумотлари асосида юрак ритм бузилишларининг анти тромботик терапияси ҳақиқий клиник амалиёти хусусиятларини ўрганиш;

юрак ритм бузилишларининг анти тромботик терапияси тузилиши ва динамикасини госпитализациядан олдин, стационар даволаш босқичида ва амбулатор босқичга чиқариш пайтида тадқиқ қилиш, унинг миллий ва халқаро клиник тавсияларга мувофиқлигини баҳолаш;

юрак ритми бузилишлари бўлган беморларнинг антикоагулянт терапияга риоя қилиш даражасини баҳолаш ҳамда БОАК терапиясига риоя қилишга таъсир этувчи асосий омилларни аниқлаш;

юрак ритми бузилишлари бўлган беморларда тромбоэмболик асоратларни келиб чиқишида тромбоцитар микровезикулаларнинг ролини аниқлаш.

**Тадқиқот объекти.** Аритмиялар халқаро регистрлари, 250 та стационар беморларнинг тиббий карталари ва проспектив тадқиқот натижалари, 2021 йилдан 2024 йилгача ишемик генезли бўлмачалар фибрилляцияси ташхиси қўйилган беморлар, 50 та соғлом кўнгиллилар ушбу тадқиқот объекти ҳисобланади.

**Тадқиқот предмети.** Юрак ишемик касаллиги фонида бўлмачалар фибрилляцияси (БФ) бўлган беморларда фармакотерапияни оптималлаштириш мақсадида тромбоцитар микровезикуллар миқдори ва фаолияти лазерли тромбоцитар агрегация усулида баҳоланди. Асосий эътибор анти тромботик терапияга риоя қилиш даражаси ва унинг самарадорлигига таъсир этувчи омилларни ўрганишга қаратилди. Шунингдек, перорал бевосита антикоагулянтлар ва К витамини антагонистларининг тромбоэмболик асоратларнинг олдини олишдаги самарадорлиги, терапиянинг халқаро ва миллий клиник тавсияларга мослиги ҳамда микровезикулларнинг тромбоэмболик асоратларни прогноз қилишдаги роли тадқиқ қилинди.

**Тадқиқот усуллари:** Тадқиқот уч босқичда ташкил этилди. Биринчи босқичда халқаро регистрлар орқали бўлмачалар фибрилляциясига эга беморлар таҳлил қилинди. Иккинчи босқичда ишемик генезли бўлмачалар фибрилляцияси ташхиси қўйилган 250 бемор тиббий карталари асосида ретроспектив фармакоэпидемиологик таҳлил ўтказилди. Учинчи босқичда тромбоцитар микровезикулларнинг прогностик роли проспектив ўрганилиб, проток цитометрия, тромбоэластография, тромбоцитар агрегация таҳлили ва лаборатория усуллари қўлланилди.

**Натижаларнинг ишончлилик даражаси:** Етарли миқдордаги кузатувлар ва материалларнинг статистик ишлов беришда «R-studio 2023.09.1 версияси» дастуридан фойдаланган ҳолда тегишли усулларни қўллаш орқали баён қилинган қоидалар, хулосалар ва тавсиялар ишончлилиги таъминланди.

**Илмий янгилиги:**

юрак ритми бузилишлари бўлган беморларнинг халқаро регистрлари маълумотлари тизимлаштирилди, улар клиник тавсиялар билан таққосланиб, даволаш схемаларидаги асосий ўхшашлик ва фарқлари аниқланган;

амбулатор ва госпитал терапия босқичларида орал антикоагулянт тайинланишининг клиник хусусиятлари ва динамикаси баҳоланиб, юрак ритми бузилишларида замонавий миллий ва халқаро тавсиялар билан амалий амалиёт ўртасидаги номуносивбликлар асосланган;

амбулатор шароитда юрак ритми бузилишлари бўлган беморларнинг антикоагулянт терапияга риоя қилиш даражаси аниқланган ва антикоагулянт терапияга риоя қилиш даражасини пасайтирувчи асосий омиллар баҳоланган;

микровезикулаларнинг юрак ритми бузилишлари бўлган беморларда тромбоэмболия ривожланиши прокоагулянт хоссалари ва тромбоз хавфи билан боғлиқлиги аниқланиб, юқори прогностик аҳамиятга эга эканлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат: Фармакотерапияни оптималлаштириш учун ишемик генезли БФ бўлган беморлар ўртасида фармакоэпидемиологик таҳлил ўтказишнинг аҳамияти кўрсатилди. Ишемик генезли БФ фармакотерапиясининг реал клиник амалиётидаги асосий клиник тавсияларга мос келмаслик ҳолатлари аниқланди. Антитромботик препаратларнинг истеъмол ҳажмларини таҳлил қилиш орқали ушбу дори воситаларининг бир неча йил давомидаги тайинланиш динамикаси ўрганилди. Беморларнинг тайинланган антикоагулянт терапияга риоя қилишини ўрганиш натижалари ишемик генезли БФ бўлган беморларни даволашнинг самарали тактикаси ишлаб чиқиш учун зарурдир. Бу тактика ОАК мунтазам қабул қилишнинг тромбоэмболик асоратларнинг олдини олишдаги аҳамияти ҳақида беморлар хабардорлигини оширишга йўналтирилган. Тадқиқот натижалари тромбоэмболик асоратларнинг ривожланишида тромбоцитар микровезикулаларнинг қўшимча патогенетик бўғинини аниқлашга ҳамда ишемик генезли БФни даволашда фармакотерапиянинг сифатини ошириш мақсадида клиник-фармакологик ёндашувлар ишлаб чиқишга имкон берди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида (худуд ёки шаҳар миқёсида) юрак

ритми бузилишлари бўлган беморларнинг миллий регистрини яратиш учун замин яратилди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Олиб борилган тадқиқот ишемик генезли БФни даволашдаги клиник-фармакологик таҳлилни чуқур ўрганиш имконини берган. Тадқиқот жараёнида антитромботик терапиянинг самарадорлиги баҳоланди, фармакоэпидемиологик маълумотлар таҳлил қилинди ва тромбоцитар микровезикулалар каби прогностик маркерлар ўрганилган. Ушбу маълумотлар ишемик генезли БФ ривожланиши механизмларини чуқурроқ тушунишга ёрдам беради ва персоналлаштирилган фармакотерапияга ёндашувларни асослашга ёрдам берган. Тадқиқот натижалари аритмия патогенези соҳасидаги билимларни кенгайтириб, клиник-фармакологик маълумотларга асосланган аниқ даволаш стратегияларини ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишемик генезли БФ бўлган беморларни даволашни оптималлаштириш учун клиник амалиётда бевосита қўлланиши, натижаларга асосланиб қўшма терапияни тавсия қилиш ва беморлар томонидан тайинланган терапияга риоя қилиниши устидан назоратни кучайтириши, шунинг натижасида клиник самарадорликни ошириши ва беморлар ҳаёти сифатини яхшилаши билан изоҳланади. Тромбоцитар микровезикулаларнинг тромбоэмболик асоратлар ривожланишидаги ролини аниқлаш терапияни кузатиш ва тўғрилаш учун қўшимча инструментлар тақдим этади, бу эса асоратлар ривожланишини аниқроқ прогноз қилиш ва даволашда персоналлаштирилган ёндашувни таъминлагани билан изоҳланади.

#### **Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

Самарқанд Давлат тиббиёт университетининг 2024 йил 17 октябрдаги №11401-сонли хатига кўра қуйидаги илмий янгилик ва самарадорликларга эришилган:

*биринчи илмий янгилик:* юрак ритми бузилишлари бўлган беморларнинг халқаро регистрлари маълумотлари тизимлаштирилди, улар клиник тавсиялар билан таққосланиб, даволаш схемаларидаги асосий ўхшашлик ва фарқлари аниқланган; *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* Республика Кардиология илмий амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиалининг 2024 йил 30 июлдаги 23-а сонли, Республика шошилиш тез тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд филиалининг 2024 йил 30 июлдаги 145-у сонли буйруқлари билан амалиётга жорий қилинган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* иш натижалари нафақат илмий билимларни ривожлантиради, балки жамият саломатлиги ва фаровонлигига бевосита таъсир қилади ва ишемик генезли БФ билан оғриган беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга ёрдам беради. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* Олинган натижалар асосида ишлаб чиқилган тавсиялар ишемик генезли БФ бўлган беморларда тромбоэмболик асоратларни эрта диагностикасини яхшилаб, терапияни ўз вақтида тўғрилаш ва асоратлар хавфини камайтириш имконини берган. *Хулоса:* беморларнинг стационарда ётиш муддати қисқариши ва шифохонага

мурожаатлар сони камайиши туфайли ҳар бир бемор учун ўртача 3 кунлик даволаниш харажатлари 405000 сўм маблағ тежалишига эришилган.

*иккинчи илмий янгилик:* амбулатор ва госпитал терапия босқичларида ОАК тайинланишининг клиник хусусиятлари ва динамикаси баҳоланиб, юрак ритми бузилишларида замонавий миллий ва халқаро тавсиялар билан амалий амалиёт ўртасидаги номутаносибликлар аниқланган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиалининг 2024 йил 24 мартдаги 19-U сонли, Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд филиалининг 2024 йил 24 мартдаги 9-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий қилинган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* ш натижалари ишемик генезли БФда ОАК тайинланишининг клиник хусусиятлари ва динамикасини баҳолаш, амбулатор ва госпитал терапия босқичларида замонавий миллий ва халқаро тавсиялар билан амалиёт ўртасидаги номутаносибликларни аниқлаш орқали диагностика ва даволашни такомиллаштиришга ёрдам берган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* Ушбу тавсиялар беморларнинг хабардорлигини ошириб, терапияга риоя қилишни яхшилаш ва тромбоземболик ҳодисалар сонини камайтиришга ёрдам берган. Микровезикулалардан фойдаланиш бўйича тавсияларни жорий этиш тромбоземболик асоратлар билан боғлиқ госпитализациялар сонини камайтирган, стационарда даволашнинг ўртача муддатини 3 кунга қисқарган ва давлат бюджетига 235 000 сўм тежаш имконини берган (терапевтик бўлимда бир кунлик койка-кун қиймати 135 000 сўм). Антикоагулянт терапия схемаларини оптималлаштириш қўшимча лаборатор ва инструментал тадқиқотларга эҳтиёжни камайтирган (125 000 сўм қийматида) ва ҳар бир бемор учун йилига 375 000 сўм тежалишини таъминлаган. *Хулоса:* Ишемик генезли БФда ОАК тайинланишининг клиник хусусиятларини баҳолаш орқали терапиянинг самарадорлиги оширилган. Замонавий тавсияларни жорий қилиш беморларнинг хабардорлигини ошириб, терапияга риоя қилишни яхшилаган ва тромбоземболик асоратлар сонини камайтирган. Антикоагулянт терапияси схемаларининг оптималлаштириш натижасида ҳар бир бемор учун йилига 375000 сўм бюджет маблағлари иқтисод қилинган.

*учинчи илмий янгилик:* амбулатор шароитда юрак ритми бузилишлари бўлган беморларнинг антикоагулянт терапияга риоя қилиш даражаси баҳоланган, антикоагулянт терапияга риоя қилиш даражасини пасайтирувчи асосий омиллар аниқланган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиалининг 2024 йил 24 мартдаги 19-U сонли, Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд филиалининг 2024 йил 24 мартдаги 9-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий қилинган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* иш натижалари ишемик генезли БФ бўлган беморларда антикоагулянт терапияга риоя қилиш даражасини яхшилашга ёрдам берган, тромбоземболик асоратларнинг прогнозини яхшилашга, терапия самарадорлигини оширишга ва халқаро клиник тавсияларга мувофиқ даволаш тадбирларини ташкил этишга имкон яратган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* ишемик генезли БФ бўлган беморларда антикоагулянт терапияга

риоя қилиш даражасини яхшилаш орқали тромбозмиқ асоратлар сони камайган, даволаниш самарадорлиги ошган ва касалхонада умумий даволаниш вақти қисқарган. Натижада, стационарда даволаниш муддатининг ўртача 2 кунга қисқариши ҳисобига 270000 сўм давлат бюджети маблағлари тежалган. *Хулоса:* антикоагулянт терапияни оптималлаштириш орқали терапия самарадорлиги ошган ва 270 000 сўм маблағ иқтисод қилинган.

*тўртинчи илмий янгилик:* микровезикулаларнинг юрак ритми бузилишлари бўлган беморларда тромбозмиқ ривожланишига юқори прогностик аҳамиятга эга эканлиги кўрсатилган, уларнинг прокоагулянт хоссалари ва тромбоз хавфи билан боғлиқлиги аниқланган. *Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:* Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиалининг 2024 йил 24 мартдаги 19-У сонли, Республика шошилишч тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд филиалининг 2024 йил 24 мартдаги 9-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий қилинган. *Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:* иш натижалари ишемик генезли БФ бўлган беморларда микровезикулаларнинг прокоагулянт хусусиятлари ва тромбозмиқ асоратлар хавфи билан боғлиқлигини аниқлаш орқали ушбу асоратларнинг олдини олиш чора тадбирларини такомиллаштиришга ёрдам берган ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, даволаш самарадорлигини ошириш ва халқаро клиник тавсияларга мувофиқ мақсадли профилактика чораларини жорий қилиш имконини берган. *Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:* микровезикулаларни баҳолаш асосида тромбозмиқ асоратлар хавфини эрта аниқлаш ва антикоагулянт терапия схемаларини оптималлаштириш орқали асоратлар камайиши натижасида, стационарда даволаниш муддати ўртача 3 кунга қисқариб, 405000 сўм бюджети маблағлари тежалган. Шунингдек, самарасиз антикоагулянт терапиясидан воз кечиш ҳисобига 270000 сўм ва кўшимча лаборатор ва инструментал тадқиқотларга эҳтиёж камайиши натижасида эса йилига 375000 сўм бюджети маблағлари иқтисод қилинган. *Хулоса:* микровезикулаларни баҳолаш ва антикоагулянт терапия схемаларини оптималлаштириш орқали тромбозмиқ асоратлар хавфи камайган, стационарда даволаниш муддати қисқариши, самарасиз антикоагулянт терапиядан воз кечиш, ҳамда инструментал тадқиқотларга эҳтиёж камайиши натижасида йилига умумий 1 050 000 сўм маблағ иқтисод қилинган.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашнинг 2024 йил 22 октябрдаги 7/38-сонли йиғилиш баённомасига асосан илмий тадқиқот ишлари натижаларини амалиётга тадбиғи буйича хулоса олинган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 3 та республика ва 2 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Мазкур диссертация мавзуси асосида 17 та илмий иш нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар 5 та

мақола, жумладан 4 таси Республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация кириш, тўрта боб, хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, унинг ҳажми 138 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Диссертация ишининг **кириш қисмида** мавзунинг долзарблиги, мақсад ва вазифалар, шунингдек, тадқиқот объекти ва предмети шакллантирилган, тадқиқотларнинг Ўзбекистон Республикаси илмий ва технология ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги келтирилган, илмий янгилик ва тадқиқотларнинг амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалий тиббиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг **“Бўлмачалар фибрилляцияси эпидемиология, патогенези, диагностикаси ва даволашнинг замонавий жиҳатлари”** деб номланган адабиётлар шарҳи бобида юрак ритми бузилишлари эпидемиологияси, патогенези ва даволашнинг муҳим жиҳатларини ёритади. Махсус эътибор бу патологияларнинг жаҳон миқёсидаги кенгайишига қаратилган бўлиб, бу ҳар йили ортиб бораётган ҳолат бўлиб, ҳам эркаклар, ҳам аёллар орасида кенг тарқалмоқда. Ёш, жинс ва турмуш тарзи каби хавф омилларининг таъсири ЮРБ ривожланиш эҳтимолини сезиларли даражада оширади. Ушбу бобда, ЮРБнинг асосий механизмлари, жумладан, тромбоцитар микровезикулалар ва тромбоэмболик асоратларнинг ривожланишидаги рол ўйнайдиган бошқа биомаркерларнинг аҳамияти кўриб чиқилган.

Диссертациянинг **иккинчи боби “Тадқиқот материаллари ва усуллари”**да ишнинг методологияси атрофлича ёритилган бўлиб, тадқиқот 2021 йилдан 2024 йилгача Республика Кардиология илмий амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиалида амалга оширилган. Тадқиқотга юрак ритми бузилишлари (ЮРБ)нинг турли шакллари, жумладан, БФ, суправентрикуляр ва қоринчалар аритмиялари, шунингдек, ҳамроҳ касаллиги ЮИК бўлган 250 нафар бемор киритилган. Тадқиқотнинг асосий мақсади ЮРБда реал амалиётдаги антитромботик терапиянинг миллий ва халқаро тавсияларга мувофиқлигини баҳолаш, тромбоэмболик асоратлар ривожланишида тромбоцитар микровезикулаларнинг (ТМВ) прогностик аҳамиятини таҳлил қилишдан иборат эди.

Беморлар иккита асосий гуруҳга бўлинган. Биринчи гуруҳга ЮРБ билан мураккаблашган ишемик юрак касаллигига чалинган 250 нафар бемор киритилган. Назорат гуруҳини клиник белгилари бўйича ЮИК ёки аритмияга эга бўлмаган 50 нафар соғлом ихтиёрийлар ташкил этган. Тадқиқотда клиник, лаборатор ва инструментал усуллар қўлланилди.

Диссертациянинг **«Халқаро регистрларга мувофиқ юрак ритм бузилишларида антитромботик терапияни таҳлили»** деб номланган

учинчи бобида ЮРБ бўлган беморларнинг бошланғич клиник кўрсаткичлари тақдим этилган. Беморларнинг клиник-демографик маълумотлари, AFNET, ATRIUM, GLORIA-AF халқаро регистрларига киритилган ҳолда, 1-жадвалда келтирилган.

**1-жадвал**

**БФ бўлган беморларнинг AFNET, ATRIUM, GLORIA AF халқаро регистрларидаги клиник-анамнестик маълумотлари**

Кўрсаткичлар	Асосий группа n=250 (2020 й.)	Регистр номи		
		AFNET (n=9545)	ATRIUM (n=3163)	GLORIA- AF (n=1063)
Демографик маълумотлар				
Ўртача ёш, йил	58,7±7,4*	67.3±13.2	71,9±9,2	70.2±10.3
Эркаклар, %	38,8*	60,9	57,9	54,3
Анамнезда юрак-қон томир тизими асоратлари				
Ишемик инсульт	1.7*	5,8	10	10,3
ТИА	-	2,8	10	-
МИ	7.6	-	-	9,3
Тизимли тромбоэмболиялар	-	-	-	-
Ҳамроҳ касалликлар				
ЮИК	100*	25,4	34,5	24,1
АГ	54.4*	69,3	83,6	74,8
Қандли диабет 2-тип	6.4*	21,7	35,1	22,6
ТЭО ва қон кетиш асоратлари хавфи				
CHADS2, ўртача балл	2.7±0.7*	3,7±0,8	2,2±0,7	2,0±0,4
CHADS2DS2-VASc	3.6±0.9	-	3,8±0,7	3,0±0,6

1-жадвалда келтирилган маълумотларга кўра, халқаро регистрлардаги беморларнинг клиник ҳолати ва демографик маълумотлари ўртасида сезиларли фарқ йўқ. CHADS2 шкаласи бўйича ўртача балл AFNET регистрида (3,7±0,8) ATRIUM (2,2±0,7) ва GLORIA-AF (2,0±0,4) регистрларига нисбатан юқориқ бўлган. ATRIUM регистридаги беморлар ўртача энг катта ёшда (71,9 ±9,2 йил) бўлиб, уларда юқори қон босими (83,6%) ва қандли диабет (35,1%) энг кўп учраган. AFNET регистридаги беморлар эса ёшроқ (67,3 ±13,2 йил) бўлиб, уларда CHADS2 баллари бўйича энг юқори тромбоэмболик хавф (3,7±0,8) қайд этилган. GLORIA-AF регистридаги беморлар эса ўртача кўрсаткичларга эга бўлган бўлсада, улар орасида ишемик инсульт (10,3%) ва миокард инфаркти (9,3%) каби асоратларнинг юқори даражада учраганлиги аниқланган.

Қиёслаш натижасида фақат ИЮК бўлган беморлардан иборат асосий гуруҳимиз ва хорижий регистрлар кўрсаткичлари ўртасида фарқлар кузатилди. Асосий гуруҳдаги беморлар ёши ўртача 58,7 ёш бўлиб, хорижий регистрлардаги беморлар ёшидан (67-73 ёш) сезиларли даражада паст бўлган.

Асосий гуруҳдаги эркаклар улуши ҳам 38,8%ни ташкил этган, чет эл маълумотларида эса бу кўрсаткич 54-61%ни ташкил этган. Артериал гипертензия 54,4%, қандли диабет 6,4%, анамнезда инсульт эса 1,7% беморларда кузатилди. Шу билан бирга, тромбоземболик асоратлар хавфи юқори бўлиб CHADS<sub>2</sub> шкаласи бўйича 2,7 балл ва CHA<sub>2</sub>DS<sub>2</sub>-VASc бўйича эса 3,6 баллни ташкил этган. Бу натижалар ишемик юрак касаллиги билан кечувчи БФ беморларида тромбоземболия хавфи юқори даражада сақланиб қолишини ва жаҳон регистрлари маълумотлари билан мувофиқлигини кўрсатади.

Халқаро регистрлар маълумотларини, жумладан GARFIELD-AF, ORBIT-AF I ва ORBIT-AF II, юрак ритмининг бузилиши бўлган беморларнинг клиник-анамнестик маълумотларини перорал антикоагулянтлар қўлланилишини ҳисобга олган ҳолда ўргандик. Бу тромбоземболик асоратларни олдини олиш бўйича ёндашувларни стандартлаштириш имконини берди. CHADS<sub>2</sub>DS<sub>2</sub>-VASc шкаласи ТЭО хавфини баҳолаш учун асосий инструментга айланган бўлиб, юқори хавфли ( $\geq 2$ ) беморлар ҳиссаси энг кўп ORBIT-AF I регистрида қайд этилган (90,8%).

Беморларнинг ўртача ёши GARFIELD-AF регистрида 69,7 ёшдан ORBIT-AF I регистрида 73,5 ёшгача бўлган, эркаклар улуши эса барқарор (55,8%-58,4%) қолган. Ишемик инсульт энг кўп ORBIT-AF I регистрида (15,1%) кузатилган. Артериал гипертензия барча регистрларда энг кенг тарқалган ҳамроҳ касаллик бўлиб (76,3%-83%), ИЮК эса ORBIT-AF I регистрида нисбаттан кўпроқ беморларда учраган (36%). Шу билан бирга, HAS-BLED шкаласига кўра, аксарият беморларда геморрагик асоратлар хавфи паст ( $\leq 3$  балл) бўлган.

## 2-жадвал

**Юрак ритми бузилишлари бўлган беморларнинг GARFIELD-AF, ORBIT-AF I ва II халқаро регистрларидаги клиник-анамнестик маълумотлари.**

Кўрсаткичлар	Асосий гурух n=250 (2020 й.)	Регистр номи		
		GARFIELD- AF (n=51270)	ORBIT-AF I (n=10132)	ORBIT- AF II (n=11602)
Демографик маълумотлар				
Ўртача ёш, йил	58,7±7,4*	69,7	73,5	70,3
Эркаклар, %	38,8*	55,8	57,6	58,4
Ҳамроҳ касалликлар				
ЮИК	100*	19,4	36	26,6
АГ	54.4*	76,3	83	79,6
Қандли диабет 2-тип	6.4*	22,1	29,4	26,2
Ишемик инсульт	1.7*	11,4	15,1	10,8
ТЭО ва қон кетиш асоратлари хавфи				
CHADS2DS2-VASc=0	11.2*	2,8	2,2	4,1
CHADS2DS2-VASc=1	25.6*	12,2	7	10,9
CHADS2DS2-VASc≥2	63.2*	85	90,8	85
HAS-BLED<3	65.6	88,8	75,7	85

Халқаро регистрлар билан таққослаганда, бизнинг тадқиқотга фақат ИЮК бўлган беморлар киритилгани туфайли сезиларли фарқ кузатилди. Беморларимиз ўртача ёши, эркаклар улуши, ёндош касалликлар яъни артериал гипертензия, қандли диабет, инсульт анамнезида сезиларли фарқлар кузатилди. Шу билан бирга, CHA<sub>2</sub>DS<sub>2</sub>-VASc шкаласи бўйича 63,2% беморларда юқори тромбоэмболик хавф аниқланган. Бу ИЮК ва бўлмачалар фибрилляцияси билан кечувчи беморларда тромбоэмболик асоратлар хавфи юқори сақланиб қолишини кўрсатади. Шундай қилиб, регистрлардаги ва асосий гуруҳимиздаги деярли барча беморлар антикоагулянт терапиясига мухтож бўлишган аммо етарли даражада қабул қилишмаган. Бу тромбоэмболия ва геморрагик асоратлар хавфини бир вақтнинг ўзида ҳисобга олувчи персоналлаштирилган ёндашув зарурлигини кўрсатади, бу эса самарали профилактика ва даволашни таъминлайди.

Юрак ритми бузилишларида антитромботик терапиянинг фармакоэпидемиологик таҳлили учта босқичда ўтказилди: госпитализациядан олдинги амбулатор босқичда, стационар даволаш босқичида, шунингдек, беморларни амбулатор босқичга чиқаришда тавсия этиладиган босқичда. Таҳлил CHA<sub>2</sub>DS<sub>2</sub>-VASc шкаласи бўйича ТЭО ривожланиш хавфига мувофиқ олиб борилди. Қўлга киритилган маълумотлар юрак ритми бузилишларини ташхислаш ва даволаш бўйича долзарб клиник тавсияларга мувофиқлиги жиҳатидан текширилди.

Тадқиқот натижасида CHA<sub>2</sub>DS<sub>2</sub>-VASc шкаласи бўйича турли хавф даражаси аниқланган беморларда антитромботик терапия тайинлашда госпитализациядан олдинги босқичда жиддий камчиликлар кузатилди. Жумладан, инсульт хавфи паст бўлган беморларнинг (CHA<sub>2</sub>DS<sub>2</sub>-VASc = 0) 62,7% антиагрегант қабул қилган бўлиб, бу замонавий тавсияларга зид ҳисобланади. Чунки бу гуруҳда антитромботик терапия тавсия этилмаган. Инсульт хавфи юқори бўлган беморларда (CHA<sub>2</sub>DS<sub>2</sub>-VASc > 2) ОАК қўлланилиши паст даражада қолган бўлсада, ПОАК қўлланилиши ўсган. Шу билан бирга, ушбу гуруҳда антиагрегантлар қўлланилиши ижобий ҳолда пасайган. Умуман, Шундай қилиб БФ беморларда ОАК қабул қилиш даражаси етарли эмас аниқланган ва бу клиник тавсияларга тўлиқ мос эмаслигини кўрсатади.

3-жадвалда CHA<sub>2</sub>DS<sub>2</sub>-VASc шкаласи бўйича хавф даражаси ва кузатув даврига боғлиқ ҳолда госпитал босқичдаги ФП бўлган беморларга антитромботик терапия тайинлаш динамикаси кўрсатилган.

Жадвалда БФ бўлган беморларга госпитализация босқичида тайинланган антитромботик терапия маълумотлари, тромбоэмболик асоратлар хавфи даражасига мувофиқ (CHA<sub>2</sub>DS<sub>2</sub>-VASc шкаласи бўйича) тақсимланган ҳолда акс эттирилган. Жумладан, инсульт хавфи паст бўлган беморлар гуруҳида (CHA<sub>2</sub>DS<sub>2</sub>-VASc = 0) замонавий тавсияларга зид ҳолда, барча беморларга антиагрегант терапия тайинланган. Бундан ташқари, инсульт хавфи ўртача бўлган беморлар гуруҳида (CHA<sub>2</sub>DS<sub>2</sub>-VASc = 1) барча беморларга антитромботик терапия тайинланган. Бироқ ОАК монотерапиясини тайинлаш частотаси нисбатан паст бўлган.

**Госпитал босқичда CHA2DS2-VASc шкаласи бўйича хавф даражасига мувофиқ равишда амалга оширилган анти тромботик терапия**

Препаратлар	CHA2DS2-VASc (баллар)					
	Балл=0 (n=10)	Балл=1 (n=18)		Балл≥2 (n=222)		
	2020-2021 (n=10)	2020- 2021 (n=12)	2022- 2023 (n=6)	2018- 2019 (n=79)	2020- 2021 (n=82)	2022- 2023 (n=61)
Хар қандай АТ терапия	10 (100,0)	12 (100,0)	6 (100,0)	79 (100,0)*	79 (96,3)*	60 (98,4)
АСК	10 (100,0)	10 (83,3)*	4 (66,7)	66(83,5)*	46 (56,1)*	21 (34,4)
Клопидогрел	0	2 (16,7)*	4 (66,7)	61 (77,2)*	8 (9,8)*	7 (11,5)
АСК+клопидогрел	0	0	0	0	1 (1,2)*	0
Тикагрелор	8 (80,0)	8 (66,7)*	0	5 (6,4)*	36 (43,9)*	14 (23,3)
АСК+тикагрелор	0	0	0	0	0 (0)	0
ОАК	2 (20,0)	0	0	0	1 (1,2)*	0
Варфарин	0	2 (16,7)*	2 (33,3)	13 (16,5)*	33 (40,2)*	39 (65,0)
Дабигатран	0	0*	1 (16,7)	13 (16,5)*	11 (13,4)*	3 (4,9)
Ривароксабан	0	2 (16,7)*	0	0*	15 (18,3)	15 (24,5)
Апиксабан	0	0	0	0*	7 (8,5)*	16 (26,2)
<b>Изоҳ:</b> * - $p < 0,05$ -2022-2023 йилги кўрсаткичларга нисбатан фарқлар						

Олинган маълумотлар БОАК қўлланилишида ўсиш тенденциясини кўрсатмоқда, аммо госпитализация босқичидаги анти тромботик терапияни тайинлаш тўлиқ клиник стандартларга мувофиқ эмас. Паст ва ўртача хавфли беморларда антиагрегантларнинг тез-тез қўлланиши, шунингдек, ВКА ва антиагрегантлар комбинациясининг асосиз тайинланиши даволаш тактикасининг етарли даражада эмаслигидан далолат беради.

Хулоса қилиб айтганда, ЮРБда ТЭА профилактикасига қаратилган анти тромботик терапия реал клиник амалиётда амалдаги клиник тавсияларга тўлиқ мувофиқ эмаслигича қолмоқда.

Юрак ритми бузилишлари бўлган беморларнинг терапияга риоя қилиш даражасини баҳолаш мақсадида БФ булган 250 нафар бемор кузатилди, улар кардиология бўлимида даволанган ёки кардиолог шифокори томонидан амбулатор кузатувда бўлган. Тадқиқотга киритиш пайтида барча беморларга орал антикоагулянт (ОАК) тайинланган бўлиб, уларнинг 127 нафарига (50,8%) ривароксабан, 38 нафарига (15,2%) апиксабан ва 5 нафарига (2%) варфарин тайинланган (4-жадвал).

Амбулатор кузатувнинг 6-ойига келиб беморларнинг 5,2% кузатувдан чиқиб кетган. Шунингдек, 16,6% беморлар ОАКдан антиагрегантларга

ўтишган, уларнинг аксарият қисми ривароксабан (12%) ёки апиксабан (6,7%) қабул қилишган.

#### 4-жадвал

##### Орал антикоагулянт терапиясига риоя қилиш динамикаси

Орал антикоагулянт	1 ой (n=250)	6 ой (n=237)	12 ой (n=219)
Ривароксабан	127 (50.8%)	113 (47.7%)	106 (48.4%)
Апиксабан	38 (15.2%)	23 (9.7%)	13 (5.9%)
Дабигатрана этексилат	7 (2.8%)	2 (0.8%)	3 (1.4%)
Варфарин	5 (2.0%)	5 (2.1%)	3 (1.4%)

Бутун кузатув давомида беморларнинг 14% ОАК қабул қилишни бутунлай тўхтатган, шу жумладан ривароксабан учун 5,7%, апиксабан учун 2% ва дабигатран учун 1,1%. Шундай қилиб, олти ойдан кейин беморларнинг 47,7% ривароксабан, 9,7% апиксабан, 2,1% варфарин ва 0,8% дабигатран этексилатини қабул қилишни давом эттирдилар. Ривароксабан бошланғич босқичда энг кўп қўлланилган препарат бўлган бўлсада, кейинги 12 ой давомида терапияга риоя қилиш даражаси сезиларли даражада камайган. Бу пасайиш беморларнинг кузатувдан чиқиб кетиши ёки антиагрегантлар ва варфаринга ўтиш ҳолатлари билан боғлиқ.(4-жадвал)

12 ойлик кузатув давомида 219 бемор (87,6%) билан алоқа ўрнатилди, 31 бемор (12,4%) кузатувдан чиқиб кетган, шулардан 2,3% ривароксабан, 3,2% антиагрегантлар қабул қилган, 5,2% эса ҳар қандай антитромботик препаратларни қабул қилишдан воз кечган. 12 ойлик телефон алоқаси давомида 3,5% респондентлар бир ПОАКни бошқасига алмаштирганлигини маълум қилишди: 1% беморлар дабигатран этексилатдан ривароксабанга ўтган, 1,5% эса апиксабандан ривароксабанга ўтган. Барча ҳолларда препаратни алмаштириш сабаби икки марта қабул қилишни талаб қилувчи ноқулай схема бўлган.

Ижобий жиҳати шундаки, тадқиқот давомида ишемик инсульт ёки ўткир коронар синдром ҳолатлари қайд этилмаган, бу дастлабки ойларда ОАК терапиясининг самарадорлигини тасдиқлайди. Бироқ, терапияга риоя қилиш даражасининг пасайиши беморларнинг антикоагулянт терапия аҳамияти ҳақида етарлича маълумотга эга эмаслиги ва узоқ муддатли риоя қилишни таъминлаш учун қўшимча таълим дастурлари зарурлигини кўрсатади.

5-жадвалда бўлмачалар фибрилляцияси бўлган беморларнинг ОАК терапиясига риоя қилиш даражасини Мориски-Грин шкаласи асосида баҳолаш натижалари келтирилган.

Мориски-Грин шкаласи бўйича терапияга риоя қилиш 1 ойлик кузатув давомида баҳоланганда, беморларнинг 43,2% терапияга тўлиқ риоя қилган деб топилган (4 балл тўплаган). Беморларнинг 24,4% 3 балл тўплаган бўлиб, улар етарли даражада риоя қилмаган ва терапияга тўлиқ риоя қилмаслик хавфи гуруҳига киритилган. Сўралган беморларнинг 32,4% эса 2 ёки ундан кам балл тўплаган бўлиб, терапияга тўлиқ риоя қилмаган деб баҳоланган. Мориски-Грин шкаласи бўйича 1 ойлик кузатувда ўртача балл  $2,607 \pm 1,68$  ни ташкил

қилган. 12 ойлик кузатув давомида беморларнинг 46,1% ривароксабан, 21,9% апиксабан, 32% варфарин ва 2% дабигатран этексилат қабул қилишни давом эттирган. Мориски-Грин шкаласи бўйича таҳлилда 31,8% беморлар терапияга тўлиқ риоя қилган, 22% етарли даражада риоя қилмаган, ва 46,1% риоя қилмаган деб топилган.

#### 5-жадвал.

#### Мориск-Грин шкаласи бўйича бевосита орал антикоагулянт (БОАК) терапиясига риоя қилиш даражасини баҳолаш натижалари

Мориск-Грин шкаласи	(n=250) 1 ой	(n=237) 6 ой	(n=219) 12 ой
0-2 балл	81 (32.4%)*	106 (44.7%)*	101 (46.1%)
3 балл	61 (24.4%)	58 (24.5%)	48 (21.9%)
4 балл	108 (43.2%)*	73 (30.8%)	70 (32.0%)
Мориск-Грин шкаласи ўртача балл	2.607±1.68*	2.129±0.202	2.103±0.224

Беморлар билан уч, олти ва ўн икки ойлик кузатув давомидаги телефон суҳбатлари натижасида терапияга риоя қилмасликнинг асосий сабаблари аниқланди. Жумладан, 3 ойдан кейин ОАКдан воз кечишнинг асосий сабаби препаратларнинг юқори нархи бўлган (21,9%), кейин эса ОАК қабул қилиш аҳамиятини тушунмаслик (17,4%) ва терапиянинг сезиларли таъсирининг йўқлиги (10,3%) қайд этилган. Олти ойдан кейин препаратлар нархининг юқори эканлиги кўрсатилиши деярли ўзгармаган (21,5%), аммо ОАК қабул қилиш аҳамиятини тушунмаслик 15,8% гача пасайган. Бошқа сабаблар орасида қўллашнинг ноқулайлиги, ножўя таъсирлар ва терапиянинг сезиларли самарадорлигининг йўқлиги кўрсатилган.

Шунингдек, респондентларнинг тахминан 10% ОАК қабул қилишнинг сезиларли самарадорлигини сезмаганлигини таъкидлашди. Бу ҳолат беморлар томонидан самарадорликнинг белгиси сифатида қабул қилинадиган симптомлар йўқлиги билан боғлиқ бўлиши мумкин. ЮРБнинг патофизиологик механизмлари, масалан, юрак ичидаги гемодинамика ва чап бўлмача қулоғида тромблар шаклланиши, етарли даражада тушунтирилмаганлиги ОАК аҳамиятини нотўғри тушунишга олиб келади. Шу сабабли, аниқланган муаммолар беморлар учун таълим дастурларини яхшилаш ва кардиологлар ҳамда терапевтларнинг ЮРБ асоратларининг профилактикаси бўйича малакасини ошириш зарурлигини таъкидлайди.

Диссертациянинг “**Антитромботик терапиянинг фармако-эпидемиологик жиҳатлари ва юрак ритми бузилиши билан оғриган беморларда тромбоцитар микровезикулларининг прогностик роли**” деб номланган тўртинчи бобида антитромботик терапия таҳлили натижалари келтирилган.

Тромбоцитар микровезикулаларнинг юрак ритми бузилишлари бўлган беморларда тромботик асоратлар ривожланишидаги роли урганилди, бунда микровезикулаларнинг тромбоцитлар активлашуви ва тромботик жараёнлардаги роли ўрганилди. Тромбоцитларнинг агрегацион қобиляти адиназин фосфат (АДФ), коллаген ва адреналин каби стимуляторлар таъсирида баҳоланди. Юрак ишими касаллиги (ЮИК) ва коронар ангиография

(КАГ) бўлган беморларда бу реакция назорат гуруҳига нисбатан сезиларли даражада кучайгани аниқланди, бу микровезикулаларнинг фаол роли билан изоҳланади.

